

Одам алайҳиссалом (харита)

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4



Одам (алайҳиссалом) Куръони Каримда 25 та оятда 25 марта зикр килинган:

Сура

Оятлар

Бақара

31, 33, 34, 35, 37

Оли Имрон

33, 59

Моида

27

Аъроф

11, 19, 26, 27, 31, 35, 172

Исро

61,70

Кахф

50

Марям

58

Тохо

115, 116, 117, 120, 121

Йасин

60

30. Эсла, вактики Роббинг фаришталарга: «Мен ер юзида халифа килмокчиман», – деди. Улар: «Унда бузгунчилик киладиган, кон тўкадиган кимсани килмокчимисан? Холбуки, биз Сени хамдинг ила поклаб ёд этиб ва Сени улуглаб турибмиз», – дедилар. У: «Мен сиз билмайдиган нарсаларни биламан», – деди.

31. Ва У Одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга кўрсатиб: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, манавиларнинг исмларини менга айтиб беринг-чи?!», – деди.

32. Улар: «Ўзинг поксан! Бизда Сен билдиргандан бошка илм йўк. Албатта, Сенинг Ўзинг Алийм ва Хакиймсан», – дедилар.

33. «Эй Одам, уларга буларнинг исмларини айтиб бер», – деди. Уларга ўшаларнинг исмларини айтиб берган чогида, «Мен сизларга осмонлару ернинг гайбини биламан ва сизлар ошкор киладиган нарсаларни хам, беркитган нарсаларни хам биламан демабмидим», – деди.

34. Эсла, вактики фаришталарга: «Одамга сажда килинглари!» – дедик, бас, сажда килдилар, магар иблис бош тортди, мутакаббирлик килди ва кофирлардан бўлди.

35. Ва: «Эй Одам, сен ўз жуфтинг ила жаннатни маскан тут. Унда хохлаган жойингизда

бемалол энглар ва мана бу дарахтга якинлашманглarki, у холда золимлардан бўлиб коласизлар», – дедик.

36. Шайтон уларни ундан тойдирди ва бўлган нарсаларидан чикарди. Ва Биз: «Бир-бирингизга душман бўлиб тушинглар, сизларга ер юзида кароргох ва маълум вақтгача бахрамандлик бордир», – дедик.

37. Бас, Одам ўз Роббидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У Зот унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У Таввоб ва Рохиймдир.

38. Биз: «Ундан хаммангиз тушинг. Бас, Мендан сизга хидоят келса, ўшанда ким Менинг хидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар махзун хам бўлмаслар», – дедик.

[Бакара сураси, 30-38](#)

115. Батахкик, илгари Биз Одам билан ахдлашган эдик. Лекин у унутди. Унда азму карор топмадик.

116. Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», деганимизда, улар сажда қилдилар. Магар иблис бош тортди.

117. Бас, Биз: «Эй Одам, албатта, бу сенга ва жуфтингга душмандир. Яна у икковингизни жаннатдан чиқариб, бадбахт бўлиб колмагин.

118. Албатта, сен у ерда оч-ялангоч колмассан.

119. Албатта, сен у ерда ташна хам бўлмайсан, иссиқда хам колмассан», дедик.

120. Бас, шайтон уни васваса қилди. У: «Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва битмас-туганмас мулкни кўрсатайми?» – деди.

121. Бас, икковлари ундан едилар. Кейин, авратлари ўзларига очилиб қолиб, ўзларини жаннат барглари билан тўса бошладилар. Одам Роббига осий бўлди ва йўлдан озди.

122. Сўнгра, Робби уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва хидоятга бошлади.

123. У: «Хаммангиз бир-бирингизга душман холда ундан тушинг. Агар мен томонимдан сизга хидоят келганида, ким хидоятимга эргашса, адашмас ва бадбахт бўлмас.

[Тохо сураси, 115-123](#)

«Ад-Дурр ал-мунсур» китобида ёзилишида ва Ибн Асокир накл қилишча, Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан Одам ва Хавво жаннатдан чиқарилганда Ер юзининг қайси минтақасига тушгани хақида бир неча накл бор:

Одам ва Хавво Макка билан Тоиф ўртасидаги Дажна деган жойга тушган;

Одам Сафо тогига, Хавво Марва тогига тушган. Бу икки тог хам Макка шахрида хозирги Харам худидида жойлашган.

Одам Хинд диёрига, Хавво Жидда шахрига тушган. Одам Хаввони истаб, уни Макка шахридаги Муздалифада топган. Шу боис, уни Жамъ деб хам аталади. Чунки Одам ва

Хавво шу ерда жамланган, учрашган. Унинг Муздалифа (якин келиб, мулозамат килинадиган жой) деб номланиши эса Хаввонинг Одамга якин келиб, унга мулозамат килгани учундир.

Табароний, Абу Нуайм ва Ибн Асокирлар Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят килишича, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Одам (алайхиссалом) Хиндистонга тушган», деганлар.

Имом Табароний Абдуллох ибн Умар (розияллоху анхумо)дан ривоят килади: «Аллох Одамни туширганда Хинд ерига туширган. У кейин Маккага келган. Сўнгра Шомга бориб, ўша ерда вафот этган».

Бу борада келган нақлларни бирлаштирганда куйидагича хулоса чиқади: Одам (алайхиссалом) жаннатдан чиқарилгач, Хиндистон худудига, Сарандиб (Сайлон) оролига, Бавз номли токка тушган. Ибн Баттута ўз сафари хақида шундай дейди: «Мен ўша оролга (Сайлонга) етиб борганимдан бошлаб мақсадим факат улуг қадамжо □ Одам (алайхиссалом)нинг қадамжосини зиёрат қилиш бўлди. У ердагилар уни «Бобо» деб, Хаввони «Момо» деб аташади...»

Манбаларда ушбу қадамжо зиёратига биринчи бўлиб йўл очган киши буюк мутасаввиф олим, шофеий мазхабининг фақиҳларидан Абу Адуллох ибн Хафиф Шерозий деб келтирилади.

Одам (алайхиссалом)нинг қабри хақида бир нечта тахминлар бор:

Абу Кубайс тоғи ён бағрида.

Хиндистондаги ўзи тушган Бавз тоғида.

Нух (алайхиссалом) тўфондан кейин у кишининг жасадларини Байтул-Макдисга кўчирган.

Ибн Жарир Табарий, Ибн Асир, Яъқубийлар таъкидлашларича, Аллох таоло Одам (алайхиссалом)ни мағфират қилгандан сўнг у кишини Жаброил (алайхиссалом) арафот тоғига олиб бориб, ҳаж ибодати қонун-қоидаларини ўргатган. Кейин Одам (алайхиссалом) Маккаи Муқаррамада истикомат қилган ва ҳозирги Харамнинг шарқий томонида, Сафо тоғи тоғига туташган Абу Кубайс деган токка дафн қилинган. Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Абу Кубайс тоғи Аллох таоло Ер юзида яратган биринчи тоғ ҳисобланади. Унинг баландлиги 420 метр.

Одам алайхиссаломнинг икки ўғли

Одам (алайхиссалом)нинг икки ўғли хақидаги қисса Моида сурасининг 27□31 оятларида келади.

«Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳақ ила тиловат қилиб бер. Ўшанда икковлари қурбонлик қилдилар, бас, бирларидан қабул қилинди, бошқасидан қабул қилилмади. У: «Албатта, мен сени ўлдиражакман», – деди. (Наргиси) айтдики: «Албатта, Аллох тақводорлардангина қабул қилади. Агар сен мени ўлдириш учун менга қўл чўзсанг ҳам, мен сени ўлдириш учун сенга қўл чўзувчи эмасман. Мен, албатта, оламларнинг Робби Аллохдан кўркаман. Мен, албатта, менинг ҳам гуноҳимни, ўзининг ҳам гуноҳингни олиб кетиб, натижада дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Ана ўша золимларнинг

жазосидир». Нафси унга биродарини ўлдиршни енгил кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиён кўрганлардан бўлди. Аллох ер қовлайдиган қаргани унга биродарининг жасадини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди. У: «Шўрим қурсин! Мана шу қаргачалик бўлиб, биродарим ўлигини кўма олмадим-а?!» – деди. Бас, у надомат қилувчилардан бўлди». (Моида, 27-31).

Одам (алайхиссалом)нинг ушбу икки ўглининг исмлари ҳақида тафсириларда турли маълумотлар келтирилган. Уларнинг ичида энг машхурига кўра, уларнинг исмлари Кобил ва Хобил бўлган. Аммо бу борада келган хабарларнинг барчаси ҳам тафсир маъносида айтилган ижтиҳодий фикрлардир.

Одам (алайхиссалом)нинг иккита ўгиллари Аллох йўлида қурбонлик қилдилар. Уларнинг биридан қурбонлиги қабул қилинди, иккинчисиники қабул қилинмади. Шунда қурбонлиги қабул қилинмагани ўз биродарига ҳасад қилиб, унинг жонига тажовуз қилди. Аммо у газаб устида қилган ушбу ишидан кейин пушаймон бўлди, аммо бунинг фойдаси бўлмади. У ўз қилмишидан надомат чекканча Яман томонга йўл олди. Табарий келтиришича, у отаси Одам (алайхиссалом)дан кўркиб Яманга қочиб кетган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу ходиса Макка шаҳрида рўй берган. Чунки Одам (алайхиссалом) ва Момо Хавво шу жойда истикомат қилишарди.

Дамашк юкорисидаги Косиюн тоғидаги «Кон гори» деб номланган машхур гор бор. Омма халқ орасида Одам ва Хавво шу тоғда истикомат қилган ва мазкур ходиса ушбу горда бўлган деган гап юради.

Дамашкдаги Барада водийси юкорисидаги Мушарраф тоғида 15 метр узунликдаги бир қабр бор. Баъзилар у ерда Хобил дафн қилинган дейишади.